
Ўзбекистон тумани ҳокимига янги ўринbosар тайинланди

Исмоилов Шерзод Расулович Ўзбекистон тумани ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринbosари этиб тайинланди.

У туман ҳокимининг 2021 йил 2 апрел кунги 227-сонли қарорига асосан мазкур вазифада иш бошлади.

Шерзод Исмоилов 1982 йилда Фарғона вилояти Олтиариқ туманида туғилган. 2006 йилда Фарғона давлат университетининг экология ва табиатдан фойдаланиш йўналишини тамомлаган.

Лавозимга тайинлангунга қадар Фарғона вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси бошлиғи вазифасида меҳнат қилаётган эди.

2021-04-05 17:30:14